

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
 1 июлдан
 чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 203 (11.012)

Баҳоси эркин нархда

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасида «Қимматли қозғалар бозори тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасининг асосий жиҳатлари мавзусида дара суҳбати бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият-тарғибот маркази ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамкорлигида Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлиги 18 йил тўлиши муносабати билан «Тил, маънавият ва тараққиёт» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

● Тошкентдаги «Дедеман» меҳмонхонасида «Республикада ОИТС хасталиғи профилактикаси янада тақомиллаштириш ва уни жаҳон талаблари даражасига етказиш, бу борада давлат ва нодавлат ташкилотларнинг роли ҳамда 2008 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар» мавзусида Марказий Осиё мамлакатларининг II халқаро форуми бўлиб ўтди.

● Урганч шаҳрида Германиянинг қишлоқ хўжалик техникалари ишлаб чиқарадиган машҳур «Class» компанияси техникалари кўргазмаси очилди.

● «Сурхондарёдонмахсулотлари» очик турдаги акциядорлик жамияти қошида донни қайта ишлаш бўйича тегиримонни қуриш ва синовга тайёрлаш ишлари якунланди. Хозирда бир кеча кундузда 130 тонна донни қайта ишлаш қувватига эга тегиримонда ишга тушириш-созлаш юмушлари кетмоқда. Технологик линиялар тўла ишга тушганидан сўнг бу ерда 60 нафар маҳаллий аҳоли иш билан таъминланди.

● Марғилон шаҳридаги Маъмуржон Узоқов номи маданият ва истироҳат боғида барча қўлайликларга эга қариялар маркази биноси фойдаланишга топширилди. Қуни кеча бу ерда 14 нафар ногиронга аравачалар топширилди, шунингдек, 17 нафар пенсионерга саломатликларини тиклаш учун «Олтириқ», «Косонсой» ва «Товоқсой» сихаттоҳларига йўланмалар берилди.

● Чўлқувлар шаҳри бўлмиш Янгиерда аҳолига сервис хизмати кўрсатиш ривожланиб борапти. Хусусан туман марказида тадбиркор Зоиржон Усмоновнинг савий-ҳаракати билан янги «Гўзаллик салони» бунёд этилди. Бу беш нафар қизнинг иш билан таъминланишига имкон яратди.

ЖАҲОНДА

● Португалия пойтахти Лиссабон шаҳрида Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг саммити бўлиб ўтди. Унда янги конституцияни жорий этиш масаласи кўриб чиқилди.

● Польшада навбатдан ташқари парламент сайловлари фаоллик билан ўтиб, сайловчиларнинг 55 фоизи ҳам қўли, ҳам юқори палата депутатларини сайлаш учун овоз берганлиги қайд этилди. Бу мамлакат тарихида сайловчиларнинг фаоллиги бўйича энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

● Қирғизистонда мамлакат Президенти тақлифи билан конституцияга қиритилмаган ўзгаришларни тасдиқлаш юзасидан умумхалқ референдуми бўлиб ўтди. Унда қатнашган хоржий кузатувчилар томонидан референдум бўйича бирор-бир эътироз билдирилмади. Референдум натижалари бугун маълум бўлади.

● Курд жангарилари томонидан 13 нафар туркиялик ҳарбийнинг асир олинishi муносабати билан Туркияда норозилик намойишлари авжига чиқди. Турк ҳарбийлари бевосита Ироқ чегарасидан ўтмаган бўлсада, бироқ оғир артиллерия воситасида курд жангариларининг базалари тўпга тутила бошланди. Маълумотларга кўра, бундай ҳужумлар натижасида 30 нафар курд жангариси йўқ қилинган.

● Индонезия қирғоқларида йўловчиларни ташувчи кема ҳалокатга учраши натижасида 29 киши ҳаётдан кўз юмган. Кемадаги 154 нафар йўловчидан 125 нафари қутқариб қолинди.

● Бурятиядаги «Ризведочная» номи фойдаланилмаётган вольфрам рудаси шахтасида шахсий тартибда ишлаётган 22 кишининг газ «қопиға» тушиб қолиши натижасида улардан уч нафари ҳаётдан кўз юмди, беш киши қутқариб қолинди. Хозирда қонда қолиб кетган 14 кишини қидириш ишлари давом этмоқда.

● Руминиянинг шимолий қисмида қалин қор ёғиши натижасида тоғ йўлларида йўллар ёпилиб, қўллаб аҳоли яшаш пунктлари ташқи дунёдан узилиб қолди. Қора денгиз бўйидаги барча қурутлар ёпилиди. Хозирда хавфли жойда қолиб кетган 200 нафар сайёҳни қутқариш ишлари давом этмоқда.

● АҚШнинг Калифорния штатининг 200 гектар қисми ўрмон ёнгинлари гирдобиди қолди. Айниқса Лос-Анжелес шаҳри атрофи ва машҳур Малибу худудидаги ёнгинларни жилловлаш қийин кечмоқда. Малибудаги қўллаб ноёб иншоотлар қуйиб кул бўлди. Ёнгинни ўчиришга жалб этилган 400 нафар ўт ўчирувчиларнинг ишига кучли шамол халал бермоқда.

● Аргентинанинг Патагония музофотидан фанга аввал номаълум бўлган динозаврнинг суякларини топилди. Унинг қолдиқларини ўрганиб чиққан аргентиналик ва бразилиялик олимлар маҳлуқнинг гаيري-оддий бўйини инobatга олган ҳолда топилма мендозаврлар турига яқин, деган хулосага келдилар.

ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 18-19 ОКТАБР КУНЛАРИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ТУРКМАНИСТОНДА БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Туркменистонга давлат ташрифининг иккинчи куни мазкур мамлакатнинг биринчи Президенти Сапармурод Ниязов мавзолейига ташриф буюрди. Узоқ йиллар давомида туркман элининг раҳбари бўлиб келган ушбу сийсатчи Ўзбекистон-Туркменистон муносабатларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган. Хусусан, унинг Ўзбекистонга 2004 йил ноябрь ойидаги ташрифи асосида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган дўстлик, ишончи мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги шартнома имзоланган эди.

Ислам Каримов Туркменистоннинг биринчи Президенти хотирасига ҳурмат баҳо келтириб, унинг макбараси пойига гул қўйди.

Давлатимиз раҳбари Ашхобод марказида бунёд этилган Мустақиллик монументи пойига ҳам гул қўйди. Бу ердаги Фахрий меҳмонлар хийбонига кўчат ўтказди. Бу хайрли воқеа, шубҳасиз, Ўзбекистон-Туркменистон халқлари дўстлигининг яна бир белгиси бўлди.

Мамлакатимиз раҳбари Сапармурод Туркманбоши номидаги Миллий маданият марказидаги Туркменистоннинг биринчи Президенти музейини кўздан кечирди.

Ислам Каримов Ашхободдаги От спорти мажмуи билан танишди. Туркман халқининг отга азалдан меҳри баланд. Мамлакат гербида ҳам от сурати акс эттирилган. Махмуга ташриф асосида Туркменистон Президенти мамлакатимиз раҳбарига зотдор от совға қилди. Бу Туркменистон раҳбарияти ва халқининг Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовга, ўзбек халқига бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромининг амалий ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Туркменистон Президентини Гурбангули Бердимухаммедов Ватанимизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Гурбангули Бердимухаммедов икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга, халқларимизнинг дўстлик ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун шундай муқофотга сазовор бўлди, деди Ислам Каримов.

Ашхобод саммитида Ўзбекистон ва Туркменистоннинг, мамлакатларимиз халқларининг узоқ муддатли манфаатларига хизмат қиладиган қатор ҳужжатлар, жумладан, Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги давлатлараро шартнома имзоланди. Бу ҳужжатлар Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилади. Бинобарин, икки мамлакат Президентларининг самимиятини, бир-бирига юксак ҳурмат ва ишончини намойиш этган ушбу ташриф ҳар жиҳатдан самарали бўлди, дейиш учун барча асослар бор.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Туркменистонга давлат ташрифи ниҳоясига етди.

Анвар БОБОЕВ,
 ЎЗА махсус муҳбири.
 Тошкент — Ашхобод — Тошкент.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар



ЙОДЛАНГАН ОШ ТУЗИ ФАҚАТГИНА ТАОМГА МАЗА КИРИТИБГИНА ҚОЛМАЙ, БАЛКИ ҲАР БИР ИНСОМ САЛОМАТЛИГИДА ҲАМ МУҲИМ ҲИСОБИ ТУТДИ. АЙНИҚСА, БУҚОҚ КАСАЛЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА УНИНГ АҲАМИЯТИ БЕКИЁСДИР.

Шаҳримизда фаолият кўрсатаётган «Орзу-ош тузи» шўба корхонасида маҳаллий хом ашёдан юксак унумли технологик линиялар қувватидан самарали фойдаланиб тайёрланаётган ош тузининг ҳам сифатига, йодланган даражасига, қадокланишига алоҳида эътибор қаратилади. Шу боис бўлса керак, ушбу савдо белгиси билан ишлаб чиқарилаётган махсулотнинг харидорлари сафи ортиб бормоқда.

— Асосий мақсадимиз ички бозорни сифатли йодланган ош тузи махсулоти билан таъминлаш бўлгани боис, — дейди корхона раҳбари Абдулрахим Мираҳмад, — замонавий технологик линиялар қувватидан унумли фойдаланамиз. Махсулотимизнинг ҳам сифати, ҳам қадокланиши талаблар даражасида бўлишига ҳаракат қиламиз. Хозирда корхонамизда маҳаллий хом ашёдан уч турдаги, яъни олий, би-

СОҒЛИҚНИНГ ГАРОВИ

ринчи ва иккинчи навли ош тузлари қайта ишланиб, йодланиб, бир килограммлик елим пакетларда қадокланмоқда. Шунингдек, махсулотимизнинг намлик даражасини пасайтириш йўлида ҳам изланишлар олиб бораёپмиз. Утган йилда корхона ўзининг янги замонавий биносини бунёд этди. Бу ерда жойлашган цехларда ишчи-хизматчилар учун қулай меҳнат шaroитлари яратилган. Корхонада сузиш ҳавзаси, ёзи ва қишки ошхона, дам олиш хоналари мавжуд бўлиб, бу ҳодимлар кайфиятини кўтаришда, меҳнат унумдорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Саломатлик гарови бўлган ош тузини истеъмолчиларга сифатли тайёрлаб етказишда катта лаборант Татьяна Калуга, цех бошлиғи Гулчехра Саъдуллаева, қадокловчилар Шахно-

за Раҳмонбердиева, Нодира Сағатова, Барно Қодирова, Феруза Тўлағанова, Матлуба Эргашева сингари илғорларнинг муносиби ҳиссаси бор. Ўз махсулотларини буюртма асосида пойтахтимиз савдо шохобчалари ва вилоятлардаги буюртмачиларга етказиб бераётган жамоа аҳли ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб, келгусида ош тузини қўшни давлатларга ҳам экспорт қилишни режаллаган. Энг муҳими эса аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётган тадбиркорларнинг мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ҳам муносиб ўрни бор.

Шарифа ИЛЁСОВА
 СУРАТЛАРДА: қадокловчилар Барно Ҳақимова ва Нодира Одилова; цехда иш қизини.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

Қасқа сатрларда

● **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси институти ташаббуси билан ўтказилган симпозиум «Табий бирикмалар кимёси» деб номланди.

● **ТОШКЕНТ** Юридик коллежида ёшлар маънавиятини юксалтиришнинг аҳамиятига бағишлаб ўтказилган тадбирда ўқитувчилар иштирок этишди.

● **ЎТГАН** куни Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган «Меҳроҳон» байрам тадбири Тошкент шаҳар маданият ва спорт иш-

лари бошқармаси ташаббуси билан ўтказилди.

● **РЕСПУБЛИКА** Байналмилал маданият марказида Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг 18 йиллиги муносабати билан уюштирилган давра суҳбати «Ўзбек тили—менинг тақдиримда» деб номланди.

● **ФУҚАРОЛИК** жамияти ўрганиш институтида республика Рассомчилик коллежи ҳамкорлигида ёшлар иштирокида уюштирилган тадбир «Мустақилликка эришишнинг машаққатли йўли: мақсад ва истиқболлар» деб номланди.

● **ТОШКЕНТ** Иқтисодиёт ва бизнес коллежида ўқувчилар ва ўқитувчилар иштирокида «Тил—миллат кўзгуси» мавзусида ўтказилган тадбир Ўзбек тилига

Давлат тили мақоми берилганлигининг 18 йиллигига бағишланди.

● **ЁШЛИК** талабалар шаҳарчасида Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг 18 йиллиги муносабати билан уюштирилган тадбирда шаҳарча худудидаги олий ўқув юртлири талабалари, ўқитувчилари, тилшунос олимлар қатнашди.

● **ИЖТИМОЙ** ҳимоя йили муносабати билан «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти ҳамда «Ўзбекистон тедми йўллари» давлат акциядорлик жамияти ҳамкорликларидан Тошкент шаҳридан Хоразм вилоятига озиқ-овқат махсулотлари, дори-

дармон воситалари ортлган «Саломатлик» поезди жўнаб кетди.

● **ТОШКЕНТ** халқаро Вестминстер университетиде битирувчи талабаларни кузатиш маросими уюштирилди.

● **РЕСПУБЛИКА** киночи-лар уйда Ўзбекистон халқ артисти Ҳожиакбар Нурматов хотирасига бағишлаб ҳужжатли кино усталари томонидан яратилган «Алвидо, актёр» ҳужжатли фильмнинг тақдироти бўлиб ўтди. Те-мур Мусоқов режиссёрлигида тайёрланган ушбу фильм тақдиротида ижодкорнинг устозлари, шоғирдлари, дўстлари ҳамда театр иҳлосмандлари иштирок этишди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНДИ

ПОЙТАХТИМИЗДА ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯ ВА ЯПОНИЯ — ЎЗБЕКИСТОН ҚЎМИТАЛАРИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ ҚЎШМА МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ИККИ МАМЛАКАТНИНГ ЭНЕРГЕТИКА, БАНК-МОЛИЯ, ТРАНСПОРТ, САЙЁҲЛИК, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ, МАШИНАСОЗЛИК, ТЎҚИМАЧИЛИК КАБИ СОҲАЛАРИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ҚАТОР ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАРИ, ФИРМА ВА КОМПАНИЯЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТИШДИ.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири, Ўзбекистон — Япония қўмитаси раисининг ўринбосари Элёр Ганиев Япония мамлакатимизнинг муҳим ҳамкорларидан эканини таъкидлади. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани ва бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладигани алоҳида қайд этилди.

(Давоми 3-бетда).

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

УСТУВОР ВАЗИФАЛАРГА АСОСИЙ ЭЪТИБОР

КУНИ КЕЧА ПОЙТАХТДА БЎЛИБ ЎТГАН КЕНГАЙТИРИЛГАН ФАОЛЛАР ЙИГИЛИШИДА ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ТЎҚҚИЗ ОЙИ ДАВОМИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ ЯКУНЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ ҲАМДА МАМЛАКАТ ПРЕЗИДЕНТИ ТОМОНИДАН 2007 ЙИЛ 12 ФЕВРАЛДАГИ ҲУҚУМАТ ЙИГИЛИШИДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧЎҚУРЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.

Йиғилиши Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳор Тўхтаев олиб борди. Таъкидлаш жоизки ҳисобот даврида ривожланишининг муҳим устувор йўналишларининг изчил ва тизимли татбиқ этилиши натижасида макро-иқтисодий ва молиявий барқарорлик таъминланди. Энг муҳими бу борада асосий иқтисодий кўрсаткичлар бўйича қўзланган башорат натижалар анча юқори бўлди.

Чунончи, давлат бюджетига тушумлар қўтилган натижаларга нисбатан 1,4

фоизга, маҳаллий бюджетга эса 4,3 фоизга ортиғи билан таъминланди. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида янги худудий махсулот чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 114,6 фоизга тенг бўлса, шу билан бирга белгиланган башоратга нисбатан ҳам 6,6 фоизга кўп бўлди. Иқтисодий ўсиш суръатларига санаотдаги ишлаб чиқариш ҳажми— 16,5 фоизга, халқ истеъмоли моллари бўйича — 20,6 фоизга, пудрат ишлари бўйича — 22,4 фоизга,

чакана савдо айланмаси бўйича — 22,2 фоизга, пуллик хизматлар бўйича — 23,7 фоизга ортиғи билан ба-жарилгани ҳисобига эришилди. Ташқи савдо айланмаси кўрсаткичи ҳам анча юқори бўлди, хусусан, бу борада экспорт ҳажми 140,5 фоизга тенг таъминланди. Бунда худудий бўйсунувчи субъектларнинг экспорт бўйича башорат кўрсаткичлари 137,6 фоизга бажарилгани ҳам эътиборлидир.

(Давоми 2-бетда).

Фармон ва ижро

ЁШ ОИЛАЛАРГА — ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ

Кейинги йилларда республикамиз ҳукумати томонидан аҳолининг кенг қатлавлари, айниқса, жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлоднинг камол топтириш учун ёш оилаларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш даражасини юксалтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз Президентининг 2005 йил 16 февралдаги «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарориди ҳам айнан мана шу мақсадлар кўзланган бўлиб, унга кўра хусусан, аҳолининг шинам уй-жойларга бўлган талаб-эҳтиёжларини мумкин қадар тўлиқ таъминлаш, уй-жой қурилишини, айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларда жадал ривожлантириш, уй-жой қурилиши учун узок муддатли имтиёзли ипотека кредити бериш тизими жорий қилинди.

Бундан ташқари ипотека муносабатларининг ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Ипотека тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Қонун талаблари асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2006 йил 30 декабрда «Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 272-сонли ҳамда 2007 йил 3 январдаги «Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорлари қабул қилинди.

«Ўзбекистон Республикасида ёшларга доир давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонун, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ, шунингдек ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишида уларга зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмлари ва амалий рағбатлантириш омилларини яратиш ҳамда уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида, 2007 йил 18 майда Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3878-сонли Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармонга асосан ёш оилаларга имтиёзли шартлар асосида ипотека кредитларини ажратилишида ёш оилаларни аниқлаш талаблари белгилаб берилди ва уларга қуйидаги бир қатор имтиёзлар яратилди:

Қонунчиликка мувофиқ, мазкур Фармон татбиқ этиладиган ёш оила тоифасига, ҳар бири 30 ёшдан ошмаган, биринчи марта расмий никоҳдан ўтган ёшлар қиради.

Ёш оила аъзоларининг солиққа тортиладиган даромадларига солиққа тортиладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларнинг шахсий уй-жой ёки кўп қаватли уйда хонадон қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш учун олинган ипотека кредитлари ва улар бўйича ҳисобланган фойзаларни қоплаш учун йўналтирилган суммаси, шунингдек, ҳўжалик субъекти — иш берувчидан уй-жой сотиб олиш учун олинган маблағ.

Ҳўжалик субъектларига даромад солиғи ёки ягона солиқ тўловини ҳисоблашда солиққа тортиладиган базани ёш оилалар тоифасига кирувчи ходимларга ипотека кредитлари бадаллари тўлашга ва уй-жой сотиб олишга бепул берилган маблағлар суммасига тенг ҳажмда, аммо солиққа тортиладиган базанинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда камайтириш ҳуқуқи берилди.

Сотиб олинган (яъни кредит тўлиқ ундирилиб, мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган) кундан бошлаб беш йил ичида ушбу мол-мулк сотилса, юқорида таъкидланган даромадлар белгиланган тартибда жис-

моний шахслар даромадларига солинадиган солиққа тортилади. Бугунги кунга келиб, Ипотека банкнинг Тошкент шаҳар филиаллари томонидан 13,2 миллиард сўмлик ипотека кредитлари ажратилиб, бундан 1,7 миллиарди ёш оилаларга ажратилган кредитларни ташкил қилади.

Мамлакатимиз Президентининг 2007 йил 12 июлдаги «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан «Ипотека банк»ка — 10 миллиард сўм ипотека кредитлари ҳажмини ошириш мақсадида кредит линияси очилди.

Бугунги кунда, ушбу ажратилган маблағ ҳисобидан банкнинг ички тартиби ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 18 июль куни 1697-сон билан рўйхатга олинган «Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисида»ги Низомлар асосида уй-жойга муҳтож бўлган ёш оилаларга имтиёзли шартлар асосида ипотека кредитлари ажратилиши ишлари олиб борилмоқда.

Имтиёзли ипотека кредитлари юқорида кўрсатиб ўтилган талабларга мос келган ва имтиёزلардан тўлиқ фойдаланган ҳолда муддати — 15 йилгача, 3 йиллик имтиёзли давр билан, йиллик тўлов фоизи 5 фоиз миқдорда, бошланғич бадали мулкнинг бошланғич миқдоридан 25 фоиздан кам бўлмаган миқдорда олдиндан бадал тўлаш шартлари билан ажратилмоқда.

Имтиёзли кредитлардан фойдаланиш учун Тошкент шаҳри ва туманлар ҳокимликларида, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда махсус ишчи гуруҳлар тузилиб, улар томонидан уй-жойга муҳтож бўлган оилаларни аниқлаб ҳулосалар асосида тавсияномалар бериши йўлга қўйилди.

Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 29 августдаги Аҳолига, шу жумладан ёш оилаларга турар жой бинолари қурилишини ташкил этиш масалаларига бағишланган мажлис баёнига асосан Республика аҳолисига, шу жумладан, ёш оилаларга кўп хонадонли турар жой бинолари қурилишини ташкил этиш учун Тошкент шаҳрида ҳам ишчи гуруҳ тузилди. Вазирлар Маҳкамаси томонидан Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида 4 секцияли, 32 хонадонли, 4 қаватли 2 тадан уй қурилиши учун топшириқлар берилган.

Юқоридаги топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида бугунги кунда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан бир қатор ташкилотларга кўрсатилган манзилларда, кўп қаватли, турар жой бинолари қуриш учун қисман тегишли уй-жой мулкдорлар ширкатлари ҳудудлари ҳисобига, ер майдонлари қурилиш учун ажратилиб берилган.

Ушбу ажратилган ерлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тузилиб, уй-жойлар қурилишини бошлаб юбориш ишлари олиб борилмоқда. «Ипотека банки» томонидан ушбу лойиҳаларни молиялаштириш ишлари амалга оширилиб, аҳолига ипотека кредитлари орқали ажратиш юмушлари белгилаб олинган.

(Ўз муҳбиримиз)

ШАРҚНИНГ ИБОЛИ, ҲАЁЛИ, НАЗОКАТЛИ АЁЛЛАРИ ҲАМИША БОШҚА МИЛЛАТ АЁЛЛАРИДАН БЕБАҲО ФАЗИЛАТЛАРИ БИЛАН АЛОҲИДА АЖРАЛИБ ТУРАДИЛАР. ЯҚИНДА «РАДИССОН САС ТАШКЕНТ» МЕҲМОНХОНАСИДА «АЁЛЛАР КЕНГАШИ» ЖАМОАТ БИРЛАШМАСИ ТОМОНИДАН ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН «ЙИЛ АЁЛИ» МИЛЛИЙ ТАНЛОВИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР САРАЛАШ БОСҚИЧИ ГОЛИБЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Танловлар

ЙИЛ АЁЛИ

Шуни айтиш жоизки, мазкур танлов июль ойида эълон қилинган бўлиб, биргина Тошкент шаҳридан 700 га яқин аёллар унда иштирок этиш ниятини билдиришди. Улардан тўққиз нафари ярим финалга чиққан бўлиб, шулардан биттаси финал bosқичида қолган барча ҳудудлардан келган финал иштирокчилари билан беллашди. Саралаш bosқичида аёллар танловнинг қуйидаги шартлари бўйича маданият ва санъат арбобларидан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланмоқда. Жумладан, «Оиламиз анъаналари» (энг қизиқарли оилавий анъана), «Ширин ҳаёллар» (аёлларнинг пазандалиғи), «Уйимдаги энг шинам



Дилором ИКРОМОВА

жой» (аёлларнинг уйни безашга ижодий ёндашуви); «Уй вази-фаси» (аёлларнинг санъаткорлик маҳоратлари). Танловнинг вилоят саралаш bosқичлари ҳар бир вилоятнинг ҳар бир туманида ташкил этилган бўлиб, натижада ҳар бир вилоят республика bosқичига бир нафар «Йил аёли» номига муносиб номзодни тавсия қилади. Якуний республика bosқичида эса танловнинг вилоят bosқичлари голиблари Тошкентда йиғилиб, финалда иштирок этишади. Танлов якунида бош со-риндан ташқари, қўшимча рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам топширилиши режалаштирилган. Танловнинг якуний тақдир-лаш маросими 16 ноябрь куни Тошкентда бўлиб ўтади.

Мазкур танловни ўтказишдан мақсад эса ибולי шарқ аёли киёфасини гавдалантириш, танлов орқали унинг меҳрибон она, ажойиб пазанда ва гўзал уй бекаси эканлигини, қийинчилик-ларга қарамасдан ўзининг эзгу хислатларини йўқотмаган, ак-синча уларни фарзандларига ҳам сингдиришга ҳаракат қилган аёлни намоён этишдан иборат.

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, «Аёллар кенгаши» жамоат би-рлашмаси нодавлат-ношарик ташкилоти бўлиб, 2005 йили оила, соғлом оналик, ўсиб келаётган ёш авлоднинг муносиб тарбиялаш мақсадида аёллар томонидан ташкил этилган. Аёллар, улар-нинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётда ўзларини намоён этишлари, соғлом мулоқот ва фойдали ҳордиқ чиқаришлари учун қўлай шароитлар яратиш, ўсиб келаётган авлоднинг маънавий ва интеллектуал ривожланишига ёрдам берувчи лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида мамлакатда-ги нотижорат сектор сай-ҳаракатларини бирлаштириш, хай-рия тадбирларини ўтказиш мазкур Кенгаш фаолиятининг усту-вор йўналишларидан ҳисобланади.

СУРАТДА: танловдан лавҳа. Наталья Семёнова олган сурат

наларнинг баъзилари ўтган йил якунла-ри бўйича ишлаб чиқариш суръатлари-ни камайтирган субъектлар рўйхатида бўлган.

Маҳаллий ва хорижий инвестициялар-нинг ўзлаштирилиши, ўз навбатида, кўплаб янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига замин яратди. Бу борада биргина «Оникс» акциядорлик жамияти томонидан январь-сентябрь ойларида 64 та, «Биолайн-косметик» корхонаси томи-нидан — 24 та турдаги янги биллур ва фармацевтик маҳсулотлар ишлаб чиқар-илган.

Шубҳасиз, бундай ижобий иқтисодий ўсиш суръатларига авваллабор ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиниши, янги технологик жараёнларнинг жорий этилиши ҳисобига эришилди, албатта. Масалан, асосий саноат корхоналарининг 94 таси томонидан ишлаб чиқариш қув-ватларини кенгайтириш, техник жиҳат-

ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш, замонавийлаштириш масаласи ҳануз су-рункали масалалигича қолмоқда.

Ўтган давр мобайнида мақсадли дас-турлардан ишлаб чиқаришни маҳаллий-лаштириш дастури бўйича кутилган кўрсаткичларга эришилмади. Тўққиз ой ичида ушбу дастур доирасида 120,4 мил-лиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарил-ди ва ўз навбатида, бунинг ҳисобига импорт ҳажмини 94,3 миллион АҚШ дол-ларига камайтиришга эришилди. Бу яхши кўрсаткич, аммо бу борада мав-жуд, лекин тўлиқ самарали фойдаланил-маган имкониятлар ҳам йўқ эмасди, яъни агарда дастурга киритилган барча кор-хоналар мажбуриятларини амалга оши-ришга ўз вақтида киришишганида, бу борадаги кўрсаткичлар янада салмоқли бўлар эди. Тахлиллар шуни кўрсатади-ки, фақат 39та лойиҳа тўлиқ бажарил-ган, 34 таси бўйича эса - қисман, 7 таси

рилаётган чора-тадбирлар хусусидаги ахбороти ҳам тинланди. Ушбу масала муҳокамасида сўзга чиққан ваколатли ту-зилмалар раҳбарлари зиммасига киш мавсумида ўз тасарруфидида истеъмол-чиликнинг мева-сабзавотга бўлган эҳти-ёжини қондириш борасида вақтида за-ҳирани жамғариш вазифаси топширил-ди.

Пойтахт коммунал ҳўжалигини киш мавсумига тайёрлаш масаласи ҳам йи-гилиш катнашчиларининг диққат маркази-да бўлди. Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан жорий йил 19 октябр-дан бошлаб барча тузилмалар, бирин-чи навбатда соғлиқни сақлаш, халқ таъ-лими, турар жойларнинг иссиқлик бил-ан таъминлиниши бошланди. Ўтган вақт давомида бу борада тегишли тайёргар-лик ишлари олиб борилган бўлсада, шу билан бирга айрим идоралар, хусусан, олий таълим муассасалари коммунал ҳўжалигининг мавсумга тайёргар-лигини мувофиқлаштириш бориш масаласига алоҳида эътибор қарати-ш лозимлиги, барча институт ва университетлар иссиқлик қуввати-дан самарали фойдалана олишига эришиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда иқтисодиёт мутано-сиблиги, ижтимоий соҳани изчил юксалтиришнинг муҳим мезонларидан бўлиш ахборот-коммуникацион техно-логиялар бўйича дастурларни татбиқ этиш масаласи ҳам алоҳида кўриб чи-қилди. Тошкент шаҳар давлат солиқ бо-шқармаси бошлиғи Абдусалом Юлда-шев бу борада тегишли тузилма мисо-лида мақсадли вазифалар ижроси бўйича батафсил ахборот берди. Шу билан бирга айрим соҳалар, жумладан, халқ таълими тизимида ушбу масала-да оқшаб ҳолатлари мавжудлигини инобатга олган ҳолда, йиғилишда те-гишли тузилмаларга, хусусан, Молия бош бошқармасига ҳам айниқса янги йил бюджетининг харажат қисми тузи-лаётганда айрим бандлар бўйича қўшимчалар киритиш лозимлиги тав-сия этилди.

Фаоллар йиғилиши якунида барча кўриб чиқилган масалалар юзасидан те-гишли қарорлар қабул қилиниб, аксария-тида асосий эътибор жорий йил учун белгиланган устувор вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш ва шу йўсида пойтахт ижтимоий-иқтисодий ри-вожланишининг келгуси йил учун ҳам асо-сини яратиш муҳимлиги қайд этилди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

УСТУВОР ВАЗИФАЛАРГА АСОСИЙ ЭЪТИБОР

дан қайта жиҳозлаш учун 41,3 миллиард сўм йўналтирилган (бу санаотга бўлган инвестицияларнинг деярли 69 фоизини ташкил этади), шундан 17 миллиард сўм — янги юқори технологик ускуналарни импорт қилишга сарфланди.

Аммо ушбу жараён иқтисодиётнинг айрим тармоқларида давр талабига ҳали тўлиқ жавоб бераётмир. Тахлиллар шуни кўрсатадики, санаотда умуман юқори ўсиш таъминланган бўлсада, аммо ҳисо-бат даврида 18 та корхона ишлаб чиқари-ш ҳажмларини пасайтирган. Бундан ташқари, «Шайхонтоҳур-текстиль», «Ай-демир-текстиль», «Хуа-Лу», «Радио-пре-парат», «1-заргарлик заводи» каби кор-хоналар ҳисобот даври мобайнида умум-ан сармоя киритмаган. «Ўзбек қоғози» акциядорлик жамияти қувватларининг эскириш даражаси 90 фоизни ташкил этамоқда. Ўтган вақт ичида мазкур корхо-на томонидан атиги 3,7 миллион сўм миқ-дорда инвестиция ўзлаштирилган бўлсада, аслида фақат ишлаб чиқариш-ни модернизация қилиш учун камиди 24,4 миллион АҚШ доллариға тенг сармоя киритилиши талаб этилади.

«Ўзпахтамаш», «Агрегат заводи», «Ўзбек шампани» акциядорлик жамият-лари маҳсулотларига талаб юқори, аммо

23 декабрь - Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

25-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхати ушбу Қонуннинг 24-2-моддасид; белгиланган ҳужжатлар асосида рўйхатга оади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинган шахсга ушбу Қонунга мувофиқ рўйхатга олинганлик увоҳ-номаси берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганида тугалланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олингандан кейин беш кунлик муддат ичида Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олинганлик тўғрисидаги ба-рнн Ўзбекистон Республикаси Президентлиги-га номзоднинг фамилиясини, исми ва гаси-нинг исмини, туғилган йилини, партиясиз-ман-сублигини, эгаллаб турган лавозимини, ш ва яшаш жойини, шунингдек унн номзод этиб кўрсатган сиёсий партияни ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳини кўрсатган ҳолда ёлон қилади.

Қуйидагилар: қасддан содир этилган жинояти учун илгари судланган фуқаролар; ўзларига нисбатан жиний иш кўзга тинган-лиги муносабати билан қонун томонида таъ-киб этилаётган фуқаролар;

диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари Ўзбекистон Рес-публикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

26-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлик мақми-дан маҳрум этиш.

Ўзбекистон Республикаси Прези-дентлигига номзодликдан воз кнш Сиёсий партия, сайловчилар ташаббускор гуруҳи у ёки бу шахсни Ўзбекистон Респу-бликаси Президентлигига номзод этиб кўратиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи илан етти кун қолганида бекор қилиш ҳуқуқи эга, бу шахс Марказий сайлов комиссияси оми-дан Ўзбекистон Республикаси Президенти-лигига номзодлик мақомидан маҳрум қили-ши мумкин. Сиёсий партия Ўзбекистон Рес-публикаси Президентлигига номзодлар йрсати-ш муддати тугагунига қадар Марказий сай-лов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш тўғрисида тақлиф киритиши мумки.

Рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод уни Ўзбекистон Рес-публикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатган сиёсий партия фаолиятини тўзган тақдирда ҳам Марказий сайлов комиссияси томонидан ўз мақомидан маҳрум этилиши мум-кин.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сайловга кечи билан етти кун олгани-да номзодликдан воз кечиши мумкин. Бун-нинг учун у Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилади.

27-модда. Сайлов бюллетени

Ўзбекистон Республикаси Президенти сай-ловига доир сайлов бюллетенининг шаки ва матни Марказий сайлов комиссияси тоиони-дан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сайлов бюллетенига фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгал-лаб турган лавозими (машғулотининг тури) ва иш жойи кўрсатилган ҳолда алифбо тарти-бида киритилади.

Сайлов бюллетенида уни тўлдириш татиби тўғрисидаги тушунтириш бўлиши керак.

Марказий сайлов комиссиясининг фамой-ишига биноан сайлов бюллетенлари сайловга камиди йигирма кун қолганида давлат тилида нашр этилади. Округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайлов бюллетенлари сай-лов округининг кўпчилик аҳолиси сўзлавади-ган тилларда ҳам нашр этилиши мумкин.

Участка сайлов комиссиялари сайлов бюл-летенларини сайловга камиди уч кун қолгани-да округ сайлов комиссияларидан оладилар. Берилган ва олинган сайлов бюллетенлари-нинг сонини тегишли округ ва участка сайлов комиссияларининг раиси ёки раис ўринбоса-ри ёхуд котиби ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Участка сайлов комиссияси оладиган сай-лов бюллетенларининг сони сайлов участка-си бўйича сайловчиларнинг рўйхатлари киритилган сайловчилар сонидан ярим соиз-дан кўп бўлиши мумкин эмас. Сайлов бюл-летенининг ўнг томони юқори бурчага уча-стка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссия-сининг муҳри билан тасдиқланади. Комиссия томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетен-лари овозларни санаб чиқишда ҳисобга лин-майди.

(Давоми келгуси сонда)



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

Юсуф Хос Ҳожиб ХИКМАТЛАР

Ақл-идроқли ва заковатли кишилар қарисалар, хотира пасаяди, хотира пасаяди, идрок қуввати ҳам сусаяди.

Куйидаги тўрт нарсанинг озини оз деб тушунмаслик керак: биринчиси — олов, иккинчиси — ёв, учинчиси — касаллик, тўртинчиси — билим.

Билим ва заковат одам учун мисоли (ёмон ишлардан сақлайдиган) кишидир, кишанланганлар эса яроқсиз ерларга бора олмайд.

Заковат одам учун муқаддас оят ичиб тутинган дўст қабиридир, билим одам учун меҳрибон қариндошдир.

Жоҳил одамнинг номи фақат таҳқирга лойиқдир.

Жаҳолат ва ғазаб билан шошилиб иш кўрма, борди-ю бундай қилсанг, ўз ҳаётинга зомин бўласан.

Ғазабли одам ҳамisha ўкинчли бўлади. ғазаб билан иш қилган киши шубҳасиз адашади.

Мардларга вазминлик ва хушфеллик ярашади, кун ва ой сингари уларнинг чехралари очик бўлса, айна мудоаодир.

Одам мулоим, хушфел, очик чехрали, заковатли, билимли бўлиши керак.

Одам яроқли ва яроқсиз нарсаларнинг фарқини кўра билса, керакли ва кераксиз ўрин ва жойига кўя билса, яхши ва ёмонни фарқлай билса ва ажрата олса, қандай ишда бўлмасин, ўзини тутга олса, шундагина барча ишлари тугал ва пишик-пухта бўлади. Бундай кишилар барча тилакларига етадилар, уларнинг барча ишлари тежоглик ва бежоглик бўлади.

Қанча йиллар ўтмасин эзгулик қаримайди, ёмонлик қанча эъзозланмасин, барибир азиз бўла олмайд.

Ғофилларнинг ишлари ҳеч қачон кўнгилдагидай бўлмайди.

Бегона элда, мусофирчиликда маблаг керак бўлади, сармоя ва маблаг бўлмаса, одамнинг юзи сарғаяди.

Кимда-ким эл-юрт хизматини қилмоқчи бўлса, унга икки нарса албатта зарурдир: бири — саломатлик, иккинчиси — маблаг.

Одамларнинг яхшиси ўзгаларнинг мушуққуларини осон қилади.

Ноёб нарса ноёблигини қилади, чунки у ўз оти билан ноёбдир.

Турли санъат — ҳунар кишиси ҳар бир нарсада ва ишда фойдалидир.

Ишнинг битишини истасанг, уни сабр билан қил.

Сабр-чидамли одам улуг мартабага эришади.

Кўнимсиз давлат учун ғафлатга ботма.

Кут-давлат ишончсиз, баҳоси йўқ ва бевафодир — ёнингда юриб кетаётган, кўққисдан учиб кетади, оёғи ҳам тайгончикдир.

Кўлингга кирган нарсани тутга билмасанг, у чиқиб кетади.

Қайси нарса тўғри бўлса, ўша нарса соз бўлади.

Чиққан кун яхши ёки ёмон деб фарқланмайди — нурини барчага бирдек сочади.

Эзгунинг барча қилмиши ва йўриқлари халққа фойда ва манфаат берадигани бўлади. Барчага бирдек яхшилик қилади, лекин эъзизга улардан мукофот миннатини қилмайди.

Тўғрилик одам учун жуда керакли сифатдир, у одамийлик демакдир.

Яхшилик барчага ярашади.

Яхшилик юксалиш учун моядир. Ёмонлик юз тубан кетиш учун боисдир.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Ўзбекистон Миллий банки Тошкент шаҳар бош бошқармаси жамоаси Молия менежменти бошқармасининг бўлим бошлиғи Маъмура Раҳимовга онаси Маъаббат РАҲИМОВАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 906

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2049 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 6

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ДАРСЛИКЛАРИ

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ДАРСЛИГИ ВА ЎҚУВ АДАБИЁТИ РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ ЯКУНЛАНДИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЁШ ПЕДАГОГ ВА ИЛИЙ КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ "ИСТЕЪДОД" ЖАМГАРМАСИ ТАНЛОВ МУАССИСЛАРИ ҲИСОБЛАНАДИ. ТАНЛОВ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1998 ЙИЛ 5 ЯНВАРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН "ЎЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ УЧУН ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ДОИРАСИДА ҲАР ЙИЛИ ЎТКАЗИБ КЕЛИНМОҚДА.

Тошкент архитектура-қурилиш институтида танлов голибларини тақдирлашга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ўқув юртлири раҳбарлари, таълим ва ёшлар тарбияси масалалари билан шуғулланадиган давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, жорий йилда яратилган энг яхши дарслик ва ўқув адабиётларининг муаллифлари иштирок этди.

Тадбирда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари А.Парпиев Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асосий вазифаси чуқур касбий ва ҳар томонлама билимга, мустақил фикрлаш ва қарорлар қабул қилиш қобилиятига эга, янгича фикрлайдиган мутахассисларни тайёрлашдан иборат эканини таъкидлади. Бу жараён ун йил аввал қабул қилинган ва мамлакатимиз ҳамда хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда узлуқсиз таълим тизимини шакллантириш стратегиясини белгилаб берган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини бажариш доирасида амалга оширилмоқда.

Йиғилишда ушбу дастур ва таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган кейинги умуммиллий дастурлар вазифаларига мувофиқ янги давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилиб, жорий этилгани, мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлири учун замон талабларига жавоб берадиган янги дарслик ҳамда ўқув қўлланмалари яратилгани қайд этилди.


1998-2007 йилларда ўтказилган танловларда жами 1667 та дарслик ва ўқув қўлланмаси тақдим этилди. Уларнинг учдан бир қисми мукофотларга сазовор бўлди. Жорий йилда 15 йўналиш бўйича ўтказилган танловда таълимнинг ҳар учта босқичи учун яратилган 149 номдаги ўқув адабиёти муаллифлари иштирок этди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази ташкилий тадбирларни, шу жумладан тақдим этилган ишларнинг илмий-педагогик таҳлилини амалга оширди.

Мутахассисларнинг фикрича, яратилаётган янги ўқув адабиётларининг сифати йил сайин яхшиланиб бормоқда, уларни тайёрлашда замонавий илм-фан ютуқлари, илгор педагогик тажрибадан кенг фойдаланилмоқда. Танловда голиб чиққан муаллифлар сонининг кўпайиб бораётгани ҳам шундан dalolat беради. Бу йилги танлов якунлари бўйича 72 номдаги дарслик ва ўқув адабиёти ўз номинацияси ҳамда таълим йўналиши бўйича энг яхши деб эътироф этилди. Уларнинг аксарияти электрон шаклда ҳам тайёрланган. Мукофотга сазовор бўлганлар орасида "Автотранспорт корхонасини лойиҳалаштириш" дарслиги муаллифи М.Мусахонов, "Шарқ мумтоз поэтикаси" янги дарслигини яратган Х.Болтабоев, "Антакология" ўқув қўлланмасини тайёрлаган Х.Қаршиев, ахборот бизнеси бўйича қўлланма муаллифлари А.Бекмуродов ҳамда А.Мусаевлар ва бошқалар бор.

Йиғилишда 2007 йилги танлов якунлари бўйича энг яхши деб топилган дарслик ва ўқув адабиётлари муаллифлари-га диплом ҳамда қимматбаҳо мукофотлар топширилди.

Анна ИВАНОВА, ЎЗА мухбири

Спорт янгилликлари



БОЛАЛАР КҮЧ СИНАШМОҚДА

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ "УМИД" БОЛАЛАР СПОРТ МАЖМУИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ ФАРЗАНДЛАРИ ЎРТАСИДА СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИНИНГ МАМЛАКАТ БОСҚИЧИ БОШЛАНДИ. ТАДБИР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМГАРМАСИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Унинг очилишида мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан улғайиб келаётган авлодни ҳар томонлама етуқ ва баркамол этиб тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш ва ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, юртимизнинг барча шаҳар ва туманларида замонавий талабларга мос, янги-янги спорт иншоотла-

ри қурилиб фойдаланишга топширилаётир. Мазкур спорт мажмуаларида фаолият юритаётган тугаракларга қатнашаётган ёшлар жисмонан ва руҳан чиниқиш баробарида, спортнинг турли йўналишлари бўйича ўз маҳоратини ошириш имкониятига эга бўлмоқда. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ўғил-қизларни, айниқса, юртимизнинг чекка қишлоқларида яшовчи ёшларни бундай тадбирларга кенг жалб этиш, иктидорли болаларни аниқлаш ва уларга ўз салоҳиятини намо-

ён этишда яқиндан кўмаклашиш мақсадида мунтазам спорт мусобақалари ташкил этмоқда.

Юртимизда илк бор ташкил этилган оммавий ахборот воситалари ходимлари фарзандлари ўртасидаги мазкур мусобақанинг жойларда ўтказилган саралаш босқичида бир ярим мингга яқин ўғил-қиз спортнинг волейбол, минифутбол, стол тенниси, сузиш, шахмат ва шашка турлари бўйича ўзаро беллашди.

Унинг уч кун давом этадиган республика босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 320 нафар ўғил-қиз ўзаро куч синашмоқда.

Қ.ҚАРШИЕВ, ЎЗА мухбири
СУРАТЛАРДА: мусобақалардан лавҳалар Мухаммад Амин (ЎЗА) олган суратлар.

БАЙРОҒИМИЗ БАЛАНД ҲИЛПИРАДИ

ГРЕЦИЯДА САМБО БЎЙИЧА ФАХРИЙЛАР ЎРТАСИДА УОШТИРИЛГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА МАМЛАКАТИМИЗ БАЙРОҒИ ЯНА БИР КАРРА БАЛАНД ҲИЛПИРАДИ.

АҚШ, Англия, Япония, Россия, Германия, Болгария, Руминия сингари жаҳоннинг 36 мамлакатидан келган 400 нафар спортчи иштирокидаги беллашувларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган ҳамюртимиз, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси марказий кенгаши ходими Зайниддин Ўринбоев 82 килограммликлар вазида россиялик тажрибали полвон Аслан Кузкка қарши финалда рубарў келиб, рақибни устидан аҳойиб ғалабга эришди ва жаҳон чемпиони номини кўлга киритди.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ — ИККИНЧИ ЎРИНДА

РОССИЯНИНГ УФА ШАҲРИДА БЕЛБОҒЛИ КУРАШ БЎЙИЧА УОШТИРИЛГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ МАМЛАКАТИМИЗ ПОЛВОНЛАРИ УЧУН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНДИ.

Шуниси қувонарлики, 57 мамлакатдан келган полвонлар орасида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 1 та олтин, 4 та кумуш ва 7 та бронза медалларини кўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни эгаллашди.

Терма жамоамиз вакилларида классик йўналишда ўз вази тоифаларида Зоҳиджон Ортиқов олтин, Қодир Умрзоков, Шухрат Бозоров кумуш, Нуриддин Маҳаматов ва Темур Шоқсимовларнинг бронза медалларига эгалик қилганликлари юртимизда белбоғли кураш тобора ёшлар орасида оммалашиб бораётганидан dalolatдир.

Эркин йўналишда ўз вази тоифаларида Шавкат Юнусалиев кумуш медалга сазовор деб топилган бўлса, Фарход Тўраев, Зоҳид Жумакулов, Чингиз Бойматов бронза медаллар билан юртимизга қайтишди.

Қизлар баҳсида эса ўз вази тоифаларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Уғилчи Латиповага кумуш, Насиба Бекмуродова ва Сабоҳат Шералиевага бронза медаллари насиб этди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

«02»: ХАБАРЛАР

Шайхонтохур туманида яшовчи ҳеч қаерда ишламайдиган 46 ёшли Мирзараҳим Б. ўз уйида Бухоро шаҳридан келган 34 ёшли Тахмина Мажиждованин ишончига кириб — «Германия давлатига ишга юбораман» деб алдаб 8.000 АҚШ долларини олиб яшириниб юрган. Жабранувчи аёл алданганлигини сезиб, ўз пулларини қайтариб олиш мақсадида 5 ой давомида «Фирибгар» Мирзараҳимнинг уй эшигини пойлаб келган. Бироқ уй эгаси тугучи бермагач, Ички ишлар бошқармасига мурожаат этишдан бошқа чораси қолмаган. Жиноят-қидирув ва коррупция-рэккетга қарши курашиш бошқармаси тезкор ходимлари олиб борган қидирув ишлари натижасида фирибгар ниҳоят ҳибсга олинди. Унга нисбатан «Фирибгарлик» жинояти бўйича жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Тергов жараёнида маълум бўлишича, гумонланувчи Мирзара-

ҳимнинг жабранувчи Тахмина Мажиждовага нисбатан содир қилган фирибгарлиги биринчи ва охириги эмаслиги фош бўлди. Ушбу фирибгарнинг бошқа жиноятларини очиб ташлаш мақсадида тергов ишлари давом этмоқда.

Чилонзор туманининг метро бекати олдида, шу туманда яшовчи муқаддам судланган, ҳеч қаерда ишламайдиган 34 ёшли Ким Волода ҳамда унинг шериги — Юнусобод туманида яшовчи, судланган, ишламайдиган 30 ёшли Пак Александрлар ўзаро жиноий тил бириктириб, ҳар хил товламачилик йўли билан тадбиркор шахсларга нисбатан таъмағирлик қилиб келишган. Ана шундай жабранувчилардан бири Миробод туманида яшовчи тадбиркор 40 ёшли Геннадий Цойга — «Бизнинг ички ишлар идораларида танишларимиз бор, уларга сени «Фирибгарлик» билан шуғулланасан десак, бор мол-мулкнинг торттиб олиб, сени эса қамаб юборишди, шунинг учун бизга 5.000 АҚШ доллари берсанг қутуласан», деб кўрқитиб, таъмағирлик қилишган. Бундан

«сабр қосаи тўлган» тадбиркор Цой дарҳол Ички ишлар бошқармасига мурожаат этган. Жиноят-қидирув, ушган жиноятчиликка қарши ва Коррупция-рэккетга қарши курашиш бошқармасининг тезкор ходимлари томонидан тузилган режа асосида олиб борилган кузатув тадбири жараёнида, жабранувчи Цой талаб қилинган 5.000 АҚШ доллари ўрнига, шартли 3.000 АҚШ доллари ва 1,5 миллион сўм пулларни олиб келиб, товламачилар — Ким ҳамда Пакларнинг қўлларига тутқазаётган вақтида, тезкор ходимлар томонидан воқеа устида далилий ашё билан товламачилар ҳибсга олинди. Уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 165-моддаси «Товламачилик» жинояти бўйича жиноий из қўзғатилиб, тергов ишлари олиб борилмоқда. Улар томонидан содир қилинган барча жиноятлар фош бўлмоқда.

Юлдуз АШИРОВА, Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази катта инспектори, майор